

Фаррух Эшқабулович ФАЙЗУЛЛАЕВ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти стажёр-
тадқиқотчиси

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСОНИНГ ТАФСИР ИЛМИДАГИ ФАОЛИЯТИ

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ХОДЖИ МУХАММАДА ПОРСО В НАУКЕ ТАФСИР

THE ACTIVITIES OF KHOJA MUHAMMAD PORSO IN THE SCIENCE OF TAFSIR

Ушбу мақолада Хожа Муҳаммад Порсонинг тафсир илмида тутган ўрни, “Тафсири Қуръон” асари тарихи, унинг жаҳон кутубхоналарида сақланиши ҳақидаги маълумотлар ёритилган ва шарқшунос олимларнинг ушбу асар ҳақидаги фикрлари таҳлил қилинган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғамалар фондида №2180 инвентарь рақами остида сақланаётган автограф нусха ҳисобланган “Тафсири Қуръон” асари қўлғамасининг кодикологик ва матншунослик таҳлили қилинган.

Калим сўзлар: Тафсир, Тафсири Қуръон, Тафсири Самоний, Мулк, Наба, Мир Одил Хожа Саххоф, Кашиф уз-зунун, Яъқуб Чархий, Аёсофия, тафсир, насх хати, тариқат, тавсиф, тасаввуф, сура, манба, Садр Зиё.

В статье описывается роль Ходжи Мухаммада Порсо в науке тафсир, история произведения «Тафсири Куръан», его сохранение в мировых библиотеках, а также анализируются взгляды востоковедов на это произведение. Кодикологический и текстологический анализ рукописи произведения «Тафсири Куръан», являющегося автографической копией, хранящейся в рукописном фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни под инвентарным номером №2180.

Ключевые слова: Тафсир, Тафсири Куръан, Тафсири Самани, Мульк, Наба, Мир Одил Ходжа Саххоф, Кашиф уз-зунун, Якуб Чархи, Собор Святой Софии, тафсир, насх хати, тариқат, тасвиф, тасаввуф, сура, источник, Садр.

The article describes the role of Khoja Muhammad Porso in the science of tafsir, the history of the work “Tafsiri Koran”, its preservation in world libraries, and also analyzes the views of orientalists on this work. Codicological and textological analysis of the

manuscript of the work “Tafsiri Koran”, which is an autographic copy kept in the manuscript fund of the Institute of Oriental Studies named after Abu Raikhan Beruni under inventory number 2180.

Key words: Tafsir, Tafsiri Kur'an, Tafsiri Samani, Mulk, Naba, Mir Odil Khoja Sahhof, Kashf uz-zunun, Yakub Charkhi, Hagia Sophia, tafsir, naskh hati, tarikat, taswif, tasawwuf, surah, source, Sadr.

КИРИШ

Сўнги йилларда ўрта асрларда яшаб ижод қилган буюк алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Абдулҳолик Гиждувоний, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий каби ислом оламида чуқур из қолдирган алломалар ҳаёти ва ёзма мероси атрофлича ўрганилмоқда. Мазкур мақоламиз ҳам Хожа Муҳаммад Порсо ёзма мероси ва “Тафсири Қуръон” асари тадқиқи бағишланган. Алломанинг ушбу асари жаҳон қўлғамалар фондларида жуда кам нусхаларда сақланган. У ҳақда умумий маълумотлар ва дастлабки хулосалар билдирилган бўлсада, махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Марказий Осиё ҳудудида яшаган олимлар ичида ўзига хос нуфузга эга бўлган, қомусий олим сифатида танилган Темурийлар (1370-1506) давридаги машҳур шахслардан бири Хожа Муҳаммад Порсодир. Биз Хожа Муҳаммад Порсонинг фаолияти ва илмий меросини чуқур ўрганишимиз, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг кейинги тараққиётини, илм фан, тасаввуф таълимоти, тафсир илмларининг янада чуқурроқ ўрганишимизга имкон беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хожа Муҳаммад Порсо томонидан ёзилган “Тафсири Қуръон” асари нақшбандия тариқати ичида юксак кадр-қийматга эга бўлган. Бу асардан турли даврда, турли котиблар томонидан қўлғамалар нусхалар олинган. Хожа Муҳаммад Порсонинг тафсири шу вақтга қадар ҳеч бир тадқиқотчи томонидан тўлиқ таржима қилиниб ўрганилмаган. Фикримизча, Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асари тасаввуфий хусусиятга эга бўлиб, ривоятлар ва ҳадислардан холи эмас.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳақида маълумот берувчи манбалар сирасига Мавлоно Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” (Муқаддас даргоҳдан эсувчи дўстлик шабадалари) тазкираси ва “Рисолаи

суханони Хожа Порсо” номли кичик ҳажмли асари, Хожа Аҳрори Валийнинг “Малфузот”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” (Мардликнинг муаттар бўйларидан таралувчи муҳаббатнинг майин шабадалари) ва Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (Ҳаёт булоғидан томчилар) номли асарларини эслатиб ўтиш мумкин [2: 46]. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбандга бағишлаб ёзилган кўплаб асарлардан ҳам Хожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги маълумотларни олиш мумкин.

Хожа Муҳаммад Порсонинг асл исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий бўлиб, туғилган йили хижрий 746 йил ражаб ойининг 24 кунда, милодий 1345 йил 20 ноябрда Бухоро шаҳрида диндор оилада туғилган. Туғилган йили ҳақида ҳам баъзи ихтилофлар бўлиб, баъзида 1345, 1348 ёки 1355 йилда туғилган деб эътироф этилади [4: 273]. Бизнингча, 1348 милодий йилда туғилган деган маълумот тўғри ҳисобланади. Унинг оила аъзолари Бухорода илмли ва обрўли одамлар эдилар. Болалиги, ёшлиги ва ўрта ёшлиги Бухорода ўтган. Манбаларда қайд этилишича, у 822/1420 йилда 72 ёшида Ҳижозда вафот этган. Кейинчалик Шайх Зайниддин ал-Ҳавофий унинг қабри устига Мисрдан оқ тош келтириб ўрнатади [1: 50].

XIV асрда яъни Темурийлар даврига келиб илм-фан ривожланди. Ислом илмлари тараққий этди. Бу даврда мавжуд бўлган нақшбандия тариқати аҳоли орасида кенг ёйилди. Шу билан бирга Қуръон илмларига бўлган эҳтиёж ошди. Яъни Қуръонни шарҳлаш, сура ва оятлар маъносини тушинишга эҳтиёж сезилди. Хожагон-Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин унинг таълимотини унинг иккинчи халифаси, ўз даврининг йирик олими, муфассири ҳисобланган Хожа Муҳаммад Порсо давом эттирди [1: 114; 199].

Маълумки, Хожагон-Нақшбандия тариқати вакилларида Яъқуб Чархий Қуръони каримга тафсир ёзган ва бу тафсир жуда машҳур бўлган. Унинг тафсири тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Хожагон-Нақшбандия тариқати вакилларида Хожа Муҳаммад Порсо ҳам Қуръони Каримга тафсир ёзган бўлиб, бу иккала тафсирлар форс тилида ёзилган тасаввуф руҳидаги илк тафсирлар эди.

Яъқуб Чархий Ўрта Осиёда Ҳусайн Воиз Кошифийга қадар Қуръонга тўлиқроқ

тафсир ёзган олим бўлган. Чунки бу даврда ёзилган тафсирлар айрим сураларга ёзилган эди. Яъқуб Чархий ёзган тафсир Қуръоннинг биринчи сураси “Фотиҳа”дан сўнг, 76-сурадан 114-сурага қадар тафсир қилиб беради [5: 69]. Хожа Муҳаммад Порсонинг тафсири ҳам айрим сураларни тафсир қилиш билан чегараланади.

Ҳўжа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асарида саккизта “Қадр”, “Баййина”, “Залзала”, “Аъдият”, “Қориъа”, “Такаасур”, “Аср” ва “Хумаза” суралари тафсир қилинган. Айнан ушбу суралар тафсир қилинганлиги сабаби, бизнингча фақат эҳтиёж туғилган суралар тафсир қилинган бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда “Тафсири Қуръон” асарининг қўлёзма нусхалари жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланмоқда [6: 118].

Хожа Муҳаммад Порсонинг қаламига мансуб тафсирларнинг қўлёзма нусхалари ҳозирда Туркиянинг Аёсофия № 84 16-254 б, Соҳиб Али Пошшо № 113; 16-293 б, Сулаймония, № 63; 1-а 224 б, бундан ташқари Истанбул шаҳрида Баязид давлат кутубхоналарида (№ 3262; – Б. 36-50) сақланмоқда [14: 19].

2013 йилда таниқли олим Ҳасан Ансорий томонидан Эронда нашр қилинган мақолада Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асари Абдурахмон Жомий томонидан кўчирилган қўлёзма нусхаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган [8] .

Шунингдек, мақола муаллифи Хожа Муҳаммад Порсога тегишли “Тафсири Қуръон” асарининг Жомий қаламига мансуб қўлёзма нусхасини Туркиядаги кутубхоналардан бирида кўрганлигини, бу айнан Жомий дасхати билан ёзилганлигини таъкидлайди. Бу асар тасаввуфий хусусиятга эга бўлиб, ривоятлар ва ҳадислардан холи эмаслигини айтади [9].

Ч.А.Сторининг ёзишича, Хожа Муҳаммад Порсо номини олган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаси бўлган. У 820 йил (1417-1418 йилларда) Бухорода “Тафсири Муҳаммад Порсо” асарини ёзади. Бухорода ёзилган колофон қисмида келтирилишича: Қуръондаги икки охири жузнинг бир нечта суралари келтирилган ушбу асар Хожа Муҳаммад Порсо томонидан ёзилган. Ушбу маълумот Асад қўлёзмасида (84, X.X., II., 3264) тасдиқланади. Аммо асарнинг муаллифи исми Назир Аҳмад томонидан Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий деб келтирилган [6: 119] . Шунингдек “Тафсири Самоний”

олдинги қўлёзманинг бир қисми бўлиши мумкин. Ч.А.Стори маълумотларга таянадиган бўлсак “Тафсири Қуръон” асари бу манбада “Тафсири Муҳаммад Порсо” деб этироф этилган. Асарнинг номи муаллифга нисбат берилиб шундай дейилган бўлса керак.

А.Б.Халидовнинг ёзишича, Хожа Муҳаммад Порсо юз жилдан ортиқ тафсир ёзган. Лекин унинг фақат еттинчи сўз ва иборалар изоҳи бўлими фанга маълумлигини таъкидлайди [9: 515]. “Кашф уз-зунун” (“Шубҳаларнинг ечилиши”) асари муаллифи Хожа Халифа (1609-1659 йилларда яшаган) Хожа Муҳаммад Порсо тафсирини “Мулк” ва “Наба” сураларига шарҳ деб маълумот беради.

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асари машҳур бўлиб, баъзи тадқиқотчилар фикрича “Тафсири Самоний” деб номланган асар ҳам Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб бўлиши мумкин. Шу ўринда қуйида баъзи шарқшуносларнинг фикрига тўхталиб ўтамиз. Ҳ.Лутфиллаевнинг, этироф этишича, “Тафсири Самоний” номли муқаддима ва саккизта сура (97-104 суралар) тафсиридан иборат асар ҳам Хожа Муҳаммад Порсо қаламига мансуб бўлиши мумкин. Чунки ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган нусха (№ 2180) билан бир хил бўлиб, унда ҳам “Тафсири Қуръон” асари сингари саккизта сура тафсир қилинган.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган Н.Тўсун ҳозирги кунда жаҳон кутубхоналарида Хожа Муҳаммад Порсога тегишли яна икки тафсир мавжудлигини таъкидлайди [13: 11]. Биринчиси “Тафсири Самоний” асари бўлиб унда ҳам “Қадр”, “Баййина”, “Залзала”, “Аъдият”, “Қориъа”, “Такаасур”, “Аср” ва “Хумаза” суралари тафсир қилинган. Н. Тосун фикрича, бу тасаввуфий тафсир ҳисобланади [13: 11]. Иккинчиси “Тафсири суратил-Фотиҳа”, бу “Фотиҳа” сурасига ёзилган тафсир бўлиб, Хожа Муҳаммад Порсонинг яна бир бошқа тафсирининг бош қисми бўлиши мумкин [13: 12].

“Тафсири Самоний” саккиз сурага тафсир бўлиб, 1181/1767 йили автографдан Назир Аҳмад 7 дастхати билан қайта кўчириб олинган. “Муқаддамат ат-тафсир”, “Тафсири сурат ал-Қадр”, “Сурат Лам йакун” тафсирлари 3655, Лалели қўлёзмасини ўз ичига олади ва Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофиз Бухорийга

қўшимча ёзилган ёки манбалардан ажратиб олинган.

Ҳозирги кунда Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асари ягона қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида №2180 инвентарь рақами остида сақланади.

Ушбу фондда сақланаётган бу асар тавсифида у ҳижрий 822, милодий 1412 йилда кўчирилган деб келтирилган [11]. Лекин бу маълумот юқорида тасниф қилинган тадқиқотчиларнинг маълумотларига мос тушмайди. Шунингдек, ушбу тавсифда муқовачи Мир Одил Хожа саҳҳоф деб кўрсатилган. Асар 237 варақдан иборат. Ҳар бир саҳифа қоғоз ўлчами 17,5х27,5 см, ҳар бир саҳифа 21, 25 тадан матн ёзилган.

Асарнинг 16 а, 17, 6 18 а, саҳифалардаги баъзи матнлар Абдурахмон Жомий томонидан ёзилганлигига ишора қилинган. Унвон варақдаги учинчи хат Мирзо Муҳаммад Шариф (Садр Зиё) томонидан битилган. Бу хат насталиқда битилган. Унда шу сўзлар мавжуд: “Маҳфий қолмасинки, ушбу хат Султони фозил Амир Сайид Баҳодир Султоннинг хатидир. Аллоҳ раҳматига олсин. Мен Аллоҳнинг заиф қули қозилар қозиси Муҳаммад Шариф латиф бўлган Аллоҳдан авф сўрайман” [10: 105].

Асар форсча-арабча, насх хатида ёзилган. Асарнинг 01а варағида ушбу китоб муаллифи Хожа Муҳаммад Порсонинг қўли билан ёзилганлиги ҳақида ёзув мавжуд, фақат дастлабки учта варақ кўшилган. Бу уч саҳифа Абдурахмон Жомий дастхати билан ёзилган [14: 141; 173].

Ушбу бебаҳо хазина мустақилликдан кейинги даврда мамлакатимизда олиб борилаётган алломаларимиз меросига бўлган эътибор сабабидан бир неча маротаба қайта таъмирланган. Бу қадимги қўлёзма рус тилидаги “Шарқ қўлёзмалари тўплами” (СВР – Собрание восточных рукописей)га киритилмаган. Манба яхши сақланиб, бизнинг давримизгача етиб келган.

Асарнинг хат тури қуръоний насх бўлиб, шикастароқ услубда битилган. Абдурахмон Жомий қўлёзманинг айрим саҳифаларини қайта кўчирган. Ушбу асарнинг 6 а, 10 б, варақлари пахта ва ипак аралашган қоғозга кўчирилган [8: 99].

Асарда суралар кизил рангда ажратиб чиқилган. Сураларни шарҳлаш “Қадр” сурасидан, 5-варақдан бошланган. Баъзи

суралар ҳам қизил чизик билан ажратиб чиқилган. Тахминимизча, бу чизиклар кейин кўйилган. Суралар эса муаллиф томонидан ёзилаётганда қизил ҳарфлар билан ёзилган.

Ҳар бир саҳифадаги матн бир устунда ёзилган бўлиб, ҳар бир саҳифага пойгир кўйилган. Хат тури қуръоний насх услубида, баъзи қисмлари насх аралаш настаълиқ услубида ёзилган. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асари аввал Муҳаммад Дониёлбий оталиқ (1758-1785) кутубхонасида, кейинчалик машҳур Муҳаммад Шариф Садр Зиё (1867-1932) кутубхонасида сақланган [14: 141; 173].

ХУЛОСА

Маълумки, қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш, тавсифлаш ўрганилаётган давр ва шахс учун қанчалик муҳимлигини белгилаш тадқиқотчидан жиддий ёндашишни талаб этади. Шу маънода тарихий қўлёзма манбаларни ўрганиш тадқиқ қилиш тадқиқотчига анча машаққат ва масъулият юклайди. Аксарият ҳолларда тасаввуф ва тариқатлар тарихи билан боғлиқ манбалар (маноқиблар) ўз даври диний-маънавий ҳаётини акс эттиргани ҳолда, шайх ва авлиёларнинг ҳаётини ҳам ёритиб беради.

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қуръон” асари ҳозирги кунда жаҳон кутубхоналарида сақланиши ва кўплаб тадқиқотчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиши ушбу асарнинг қиммати юқори даражада эканлигидан далолат беради. Ўрта асрларнинг йирик алломаси Абдурахмон Жомий томонидан ушбу асарга катта қизиқиш билдирилиши, асарнинг маълум қисмларини ўз дасхати билан ёзиши бу асарнинг алоҳида этиборга лойиқ эканлигини англатади. Бу эса ушбу асар ўз даврида ва кейинги даврларда ҳам юксак қадр қимматга эга эканлигидан далолат қилади. Хожа Муҳаммад Порсо тафсир борасида ҳам етук олим бўлиб, унинг тафсирга бағишланган бошқа асарлари мавжудлиги ҳозирги кунда ҳам ўз ечимини топмай келмоқда. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Тафсири Қурон” асарини ўрганиш тасаввуфий тафсирларни ўрганишда катта ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Бўриев О. Хасанов М. Хожа Хожа Муҳаммад Порсо. // Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: Мерос, 1996.
2. Холмўминов Ж. Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий. Ҳаёти ва фалсафий-ирфоний мероси.

- Тошкент. Tafakkur tomchilari, 2020. – Б. 46.
3. Идрис Шоҳ. Накшбандий тариқати. Ўзбек тилига Ваҳоб Рўзиматов таржимаси., – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
4. Мудрость суфиев/Пер. с персид. О.М.Ястребовой, Ю.А.Иоаннесяна, Б.М.Бабаджанова. – СПб.: Азбука; Петербургское Востоковедение, 2001. – С.273
5. Раззокова М. Яъқуб Чархийнинг илмий мероси ва унинг Накшбандия тариқати ривожига тутган ўрни. (XIV-XV асрлар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2001. – Б. 69.
6. Стори Ч.А., Брегель Ю.А. Персидская литература. – Т. I. – Москва: Наука, 1972. – С. 118.
7. Стори Ч.А. Персидская литература. – Ч. I. – Москва: Наука, 1972. – С. 118.
8. Уринбоев А. Епифанова Л.М. Рукописи произведений Абдурахмана Джами в собрании института востоковедения Академии Наук Узбекской ССР. Т. 1965. – С. 99.
9. Халидов А.Б. Рукописи из библиотеки Мухаммад Парса // Петербургское востоковедение. Вып.6. Санкт-Петербург. 1994. – С. 515.
10. Хидирова Н. Хожа Муҳаммад Порсонинг Хожагон-Накшбандия тариқатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли. (XIV аср охири – XV аср бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2006. – Б.105.
11. Хожа Муҳаммад Порсо. Тафсир. Форс тилида. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. 2180. – 237 varaқ.
12. Юрген Пауль. Доктрина и организация Хваджаган-Накшбандийа в первом поколении после Баха’ад-дина // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фритца Майера (1912-1998) / Сост. и отв. ред. А. А. Хисматулин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001. – С.114-199.
13. Muhammed Parsa. Sahi Naksband Hazretlerinin Sohbetleri. Tercume Necdet Tosun. – Istanbul, 2003 – 11 s.
14. Shadman Vahidov und Aftandil Erkinov: Le fihrist (catalogue) de la bibliothèque de Sadr-i Ziya’: une image de la vie intellectuelle dans le Mavarannahr (fin XIXe - début XXe siècles). – In: Patrimoine manuscrit et vie intellectuelle de l’Asie centrale islamique. Cahiers d’Asie Centrale. 1999. №7. – P.141-173, Text S. 149, Tabelle Nr 33.
15. The Chester Beatty Library. A Catalogue of the Persian manuscripts and miniatures, vol. I, MSS. 101-150, by A. J. Arberry, M. Minovi, and the late E. Blocher. vol. III, MSS. 221-398, by A. J. Arberry, B. W. Robinson, the late E. Blocher and the late J. V. S. Wilkinson. Ed. by A. J. Arberry..., – Dublin, 1962.
16. <http://ansari.kateban.com/post/1992>